2024 йил 26 декабрдаги
РС-60-24-сонли Раёсат қарори
билан тасдиқланган

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил биринчи ярмига мўлжалланган**
**ИШ РЕЖАСИ**

| № | Тадбирлар | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | ***1. Умумий масалалар*** | | |
| **1.1** | Иқтисодий судларда кўчар мулк таъминоти асосида молиялаштириш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш амалиётини умумлаштириш ҳамда муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш | февраль | Ш.Полванов<br>ИИБ судлов ҳайъати<br>Ташкилий-назорат бошқармаси |
| **1.2** | “Меҳнат муносабатлари: Қонунчилик назарияси ва суд амалиёти” мавзусида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда давлат органларини жалб қилган ҳолда конференция ўтказиш. | март<br>(Дастур асосида) | О.Исмаилов<br>ФИБ судлов ҳайъати<br>Қонунчилик департаменти<br>Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази<br>Халқаро-ҳуқуқий бўлим |
| **1.3** | Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларида барча иш ва материалларни, вилоят судлари ҳамда Олий судда апелляция, кассация, тафтиш тартибидаги шикоятларни ахборот тизими орқали автоматик тақсимлаш амалиётини жорий қилиш | апрель | И.Муслимов<br>АКТ ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси |
| **1.4** | Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, ўринбосарлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузилиши ҳолатлари олдини олиш мақсадида жойларда сайёр қабуллар ўтказиш | алоҳида режа асосида | И.Муслимов<br>Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси<br>вилоят судлари раислари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **1.5** | Тергов судьялари томонидан 2025 йил 1-чорагида кўрилган жиноят материаллари, шу жумладан санкциялар ва мажбурлов чораларини қўллаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриш билан боғлиқ фаолиятини таҳлил қилиш ва натижаси юзасидан зарурий чораларни кўриш | апрель | И.Муслимов<br>ЖИБ судлов ҳайъати<br>Ташкилий-назорат бошқармаси |
| **1.6** | Олий суд судьялари ва ходимлари томонидан суд соҳасида амалга оширилаётганислоҳотлар ва фаолият ҳақида жамоатчиликни яқиндан хабардор қилиш мақсадида алоҳида режа асосида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга ошириш | алоҳида режа асосида | О.Исмаилов<br>Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази |
| **1.7** | Судлар, қонунчиликни қўллаётган давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ҳамда фуқаролар учун фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўпламини тайёрлаш | апрель | Ш.Полванов<br>Судлов ҳайъатлари<br>Пленум ва раёсат котибияти бўлими<br>Қонунчилик департаменти<br>Ишлар бошқармаси |
| **1.8** | Судлар томонидан давлат божини ундириш бўйича суд амалиётида юзага келаётган муаммоларни таҳлил қилиб, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш | май | О.Исмаилов<br>ФИБ, ИИБ, МИБ судлов ҳайъатлари<br>Ташкилий-назорат бошқармаси |
| **1.9** | Суд биноларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш мақсадида 2025 йилда қуёш электр станциялари ҳамда гелиоколлектор қурилмаларини харид қилиш бўйича Дастур тасдиқлаш ва босқичма-босқич харидларни амалга ошириб, биноларга ўрнатиш чораларини кўриш, амалга оширилган ишлар ҳақида Олий суд раисига ахборот тақдим этиб бориш | ҳар чорак якуни бўйича | Аппарат раҳбари<br>Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти |
| **1.10** | Суд объектларида амалга оширилаётган қурилиш ишлари натижалари ва ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ҳамда мақсадли ўзлаштирилишини объектларга чиқиб ўрганиш, натижаси бўйича Олий суд раисига ахборот киритиш | ҳар чорак якуни бўйича | Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **1.11** | Судларда мурожаатлар билан ишлаш устидан мониторинг ўрнатган ҳолда ҳар чорак якуни бўйича таҳлилий маълумот тайёрлаш ҳамда судья ва суд аппарати ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан келиб тушган мурожаатларни умумлаштириб, Олий суд раисига ахборот киритиш | ҳар чорак якуни бўйича | Аппарат раҳбари Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси |
| **1.12** | Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, судлов ҳайъатлари ҳамда туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари иштирокида видеоконференцалоқа режимида ўқув семинарлари ўтказиш | алоҳида режа асосида | Раис ўринбосарлари Судлов ҳайъатлари |
| | ***2. Халқаро-ҳуқуқий муносабатларга оид масалалар*** | | |
| **2.1** | Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг 2025 йилда Хитой Халқ Республикасида ўтказилиши режалаштирилган навбатдаги XX-мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди делегациясининг иштирокини таъминлаш | январь-июнь | Халқаро-ҳуқуқий бўлим |
| **2.2** | АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) “Суд тизимини мустаҳкамлаш” (JSSA) лойиҳаси билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ соҳасидаги долзарб масалаларга бағишланган тадбирлар ўтказиш | январь-июнь | Халқаро-ҳуқуқий бўлим |
| **2.3** | Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (IRZ) билан ҳамкорликда судьялар учун одил судловнинг долзарб масалаларига бағишланган тадбирларни ташкил этиш | январь-июнь | Халқаро-ҳуқуқий бўлим |
| | ***3. Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиладиган масалалар*** | | |
| **3.1** | Судлов ҳайъатларида ишларни тафтиш инстанциясида кўрилиши бўйича суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва Раёсат муҳокамасига киритиш | ҳар чорак якуни бўйича | Раис ўринбосарлари Судлов ҳайъатлари Пленум ва раёсат котибияти бўлими |
| **3.2** | Никоҳ шартномаси билан боғлиқ 2021-2024 йилларда кўрилган фуқаролик ишларини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш | февраль | О.Исмаилов ФИБ судлов ҳайъати Пленум ва раёсат котибияти бўлими |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **3.3** | Судлар томонидан 2024 йилда меҳнат шартномасини бекор қилиш ва ишга тиклашга доир кўрилган фуқаролик ишларини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш | март | О.Исмаилов<br>ФИБ судлов ҳайъати<br>Пленум ва раёсат котибияти бўлими |
| **3.4** | Маъмурий судларда 2023-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари қарорлари (рухсатнома, хулоса), хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар бўйича ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш | март | Ш.Полванов<br>МИБ судлов ҳайъати<br>Пленум ва раёсат котибияти бўлими |
| **3.5** | Суд ҳукми ижросини кечиктириш (ЖПК 533-моддаси) амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш | апрель | И.Муслимов<br>ЖИБ судлов ҳайъати<br>Пленум ва раёсат котибияти бўлими |
| **3.6** | Иқтисодий судлар томонидан “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш” Қоидаларини қўллаш ҳамда сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш тўғрисидаги шартномалар юзасидан келиб чиққан низолар билан боғлиқ кўрилган ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш | апрель | Ш.Полванов<br>ИИБ судлов ҳайъати<br>Пленум ва раёсат котибияти бўлими |
| **3.7** | Маъмурий судлар томонидан 2023-2024 йилларда аризани кўрмасдан қолдириш ва иш юритишдан тугатишга оид суд амалиётини ўрганиб ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш | апрель | Ш.Полванов<br>МИБ судлов ҳайъати<br>Пленум ва раёсат котибияти бўлими |
| **3.8** | Маъмурий судларда ер билан боғлиқ низоларни кўришга оид суд амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш | май | Ш.Полванов<br>МИБ судлов ҳайъати<br>Пленум ва раёсат котибияти бўлими |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **3.9** | Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш амалиётини умумлаштириш ва натижаларини Раёсат муҳокамасига киритиш | май | И.Муслимов<br>ЖИБ судлов ҳайъати<br>Пленум ва раёсат котибияти бўлими |
| **3.10** | Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, бу ҳуқуқни чеклаш ва тиклаш ҳамда фарзандини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш билан боғлиқ 2023-2024 йилларда кўрилган фуқаролик ишларини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш | июнь | О.Исмаилов<br>ФИБ судлов ҳайъати<br>Пленум ва раёсат котибияти бўлими |
| **3.11** | Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти судларининг 2023-2024 йиллар ва 2025 йилнинг ўтган давридаги одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш | март-май | И.Муслимов<br>Ишчи гуруҳи аъзолари |
| ***4. Олий суд Пленуми муҳокамасига киритиладиган масалалар*** | | | |
| **4.1** | Маъмурий судларда қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришнинг айрим масалалари тўғрисидаги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш | апрель | Ш.Полванов<br>МИБ судлов ҳайъати<br>Пленум ва раёсат котибияти бўлими |
| **4.2** | Фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларни кўриб чиқишда прокурор иштирокини таъминлашга доир қонунчиликни қўллашнинг айрим масалари тўғрисидаги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш | апрель | О.Исмаилов,<br>ФИБ, ИИБ, МИБ судлов ҳайъатлари<br>Пленум ва раёсат котибияти бўлими |
| **4.3** | Иқтисодий судлар томонидан “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисидаги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш | июнь | Ш.Полванов<br>ИИБ судлов ҳайъати<br>Пленум ва Раёсат котибияти бўлими |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **4.4** | Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Пленум қарорига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар ёки лозим бўлган тақдирда янги таҳрирдаги қарор лойиҳасини Пленум муҳокамасига киритиш | июнь | И.Муслимов<br>ЖИБ судлов ҳайъати Пленум ва Раёсат котибияти бўлими |